Куч — адолатда

2014 йил
2 май,
жума
№ 18 (479)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ФАВВОРАЛАР – ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК РАМЗИ

1 май куни Тошкентда "Фавворалар сайли" ёшлар оммавий-маданий тадбирлари ўтказилди.

Байрамона кайфият бутун пойтахтимиз бўйлаб ҳукм сурди. Қуёш порлаб, майин эсаётган кўклам шабадаси дилларни тетиклаштирди, мусаффолик бахш этди, ям-яшил дов-дарахтлар, турфа гуллар кўзни қувонтирди. Байрамона либос кийган юртдошларимиз ва хорижлик сайёҳлар тантанали тадбирлар ўтказилган фавворалар атрофида жам бўлди. "Фавворалар сайли"нинг асосий иштирокчилари ёшлардир.

Ушбу чинакам ёшлар байрами миллий қадриятларимиз, она юртимизнинг бой тарихи ва мустақиллигимиз ютуқларини қадрлайдиган, Ватанимиз ва халқимизни чин дилдан севадиган баркамол авлодни тарбиялаш, жамиятда ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳини, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилади. Сайил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 23 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳрида "Фавворалар сайли" ёшлар оммавий-маданий тадбирларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ўтказилди.

Тошкент фавворалари ёшлар оммавий сайли ўтказиладиган жой сифатида бежиз танлангани йўқ. Марказий Осиёдаги ҳеч бир шаҳарда пойтахтимиздаги каби ранг-баранг, хушманзара ва бетакрор фавворалари учратмайсиз. Давлат муассасалари, музейлар, банклар, ресторан ва кафелар ёнида, бозорларда, ўқув муассасаларида, истироҳат боғлари ва халқ сайллари ўтказиладиган жойларда бир-биридан чиройли 60 дан ортиқ фаввора ишлаб турибди. Улар атрофида барча қулайликлар мавжудлиги туфайли фавворлар жажжи болажонлар, ёшлар ва фахрийлар, пойтахтимиз меҳмонлари билан ҳамиша гавжум. Бундай хушманзара жойларда мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, талабалар учун сайёр дарслар ўтказилади, учрашувлар белгиланади, келин-куёвлар ва кўплаб сайёҳлар суратга тушади.

Фавворалар нафақат тинч ва осойишта ҳаётимиз, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларининг ёрқин ифодаси сифатида халқимизнинг кўп асрлик тарихини ўзида мужассам этган.

Шарқда XIV-XV асрларда ҳам фавворалар урф бўлган. Соҳибқирон Амир Темурнинг Самарқанддаги Дилкушо боғида бўлган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ҳайрат билан шундай ёзган эди: "Подшоҳ саройида суви тепага отилиб турувчи фаввора бўлиб, унда қизил олмалар қалқиб турарди...". Археологик қазиш ишлари пайтида бундай иншоотлар Шаҳрисабздаги Оқсарой, Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса мажмуаси ва бошқа тарихий иншоотлардан ҳам топилган. Алишер Навоий асарлари ва "Бобурнома"даги миниатюраларда ҳам қадимий фавворалар суратини кўриш мумкин. Буларнинг барчаси аждодларимизнинг юксак бунёдкорлик маҳорати ва яратувчанлик салоҳиятидан далолат беради.

(Давоми тўртинчи бетда)

Бўритош МУСТАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш

суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсадидир

Мамлакатимиз истиқлол йилларида эришган улкан ютуқ ва марралар бугун нафақат халқимиз, балки хорижликлар томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда. Шубҳасиз, бу муваффақиятларда Асосий Қонунимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, мазкур ҳужжат миллий тараққиёт йўлимизни белгиловчи халқчил Қомус сифатида ижтимоий-сиёсий соҳада кенг имкониятлар яратаётир. Айни чоғда унда халқ ҳокимияти асослари белгиланган бўлиб, у нафақат халқаро ҳуқуқ норма ҳамда қоидаларига, балки ўзбек давлатчилиги ривожининг анъаналари ва миллий ҳуқуқий қадриятларимизга ҳам мосдир. Шу ўринда Асосий Қонунимиз давр талабларига мос равишда такомиллаштириб борилаётганини ҳам айтиш зарур.

Хусусан, Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги Қонун маъқулланиб, Президентимиз томонидан имзоланди ҳамда жорий йилнинг 17 апрелида эълон қилинди. Ушбу Қонун давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали мажлисидаги мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб берган маърузасида баён этилган қоидалар ва ғояларга мувофиқ тайёрланган ҳамда қабул қилинган.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Қимматли қоғозлар бозори

иқтисодиёт ривожига хизмат қилади

Мамлакатимизда хусусий мулк тармоғини янада кенгайтириш, бизнес учун янада қулай муҳит яратиш ва унинг кафолатларини мустаҳкамлаш устувор вазифалардан саналади. Қимматли қоғозлар бозорини, айниқса, иккиламчи бозорни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, рақобатга бардошли фонд бозорини янада ривожлантириш ҳам шулар жумласидандир.

Айтиш керакки, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам айнан шу мақсадда ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида эмиссиявий қимматли қоғозлар, шу жумладан, янги молиявий инструментлар билан боғлиқ тартиб-таомилларни соддалаштириш, шу билан бирга қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни аниқлаштириш каби масалалар ўзининг аниқ ифодасини топган.

(Давоми учинчи бетда)

Insonparvarlik tamoyillari

Бағрикенглик ва инсонпарварликнинг юксак намунаси

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш жараёнида халқимизга хос бағрикенглик ва кечиримлилик каби тамойиллар қонунларимизга тобора чуқурроқ сингдирилаётгани амалда кутилган самараларни бермоқда.

Айниқса, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан ярашув институтининг амалга жорий этилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада кафолатли ҳимоя қилиш, суд-ланганлик ҳолатини камайтириш борасида муҳим қадам бўлди.

Айтиш керакки, Жиноят-процессуал кодексининг 62-бобида ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишнинг алоҳида тартиби белгиланган. Аниқроқ айтганда, қонун талабига кўра, ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек, суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилади.

Аризада етказилган зарар бартараф этилгани, шунингдек, ярашилганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос қайд этилган бўлиши шарт.

(Давоми иккинчи бетда)

Маълумки, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни беқиёсдир. Шу боис юртимизда оилани ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Mezon

Оила мустаҳкамлиги

фарзанд камолотида муҳим ўрин тутади

Ўзига хос миллий давлатчилик тарихимиз, халқимизнинг азалий қадрият ва анъаналари эътиборга олиниб, Конституциямизга алоҳида "Оила" боби киритилган. Бош Қомусимизнинг ушбу бобида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, унда никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаш, ўз навбатида, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурликлари, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши ўз ифодасини топган.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги "Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги қарорида судларга оилани мустаҳкамлаш, эр-хотин ва улар фарзандларининг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан келиб чиққан ҳолда никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни фуқаролик ишларининг энг муҳим туркумларидан бири деб ҳисоблаш ва бундай ишларни кўришга эътиборни кучайтириш мажбурияти юклатилгани ҳам оила мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Чунки ушбу мақсадларни амалга ошириш учун жойлардаги маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, корхона ва муассасалар ҳамда ўқув юртларида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш йўлга қўйилган.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Маънавий зарар

у қандай тартибда ундирилади?

Асосий қонунимизда белгилаб қўйилганидек, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва манфаатларининг ўзгалар томонидан ҳар қандай тарзда бузилишидан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Шунинг баробарида ўзгалар томонидан бирон-бир тарзда ҳуқуқи бузилган шахснинг ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни суд тартибида ундириш ҳуқуқи ҳам қонунда белгилаб қўйилган.

Чунончи, Фуқаролик кодексининг 100-моддаси 8-қисмида фуқарога етказилган маънавий зарарни қоплаш тартиби тўғрисида сўз юритилган. Шунингдек, ушбу кодекснинг 1021-1022-моддаларида ҳам бу масала ўзининг аниқ ифодасини топган.

(Давоми учинчи бетда)

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш

суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсадидир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Конституциямизга киритилган мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" принципи босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги ролини, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини рўёбга чиқаришдаги ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини кенгайтириш, қонун чиқарувчи олий орган, ҳокимият вакиллик органларининг Вазирлар Маҳкамаси ва ижро этувчи органлар фаолияти устидан назорат қилиш, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш учун ҳукуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини ошириш мақсадига йўналтирилгандир. Энг муҳими, бу ўзгаришлар кенг жамоатчилик, илмий доиралар, аҳоли томонидан қизғин қўллаб-қувватланди.

Дарҳақиқат, бугун жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол янгиланишлар, ўзгаришлар жараёни кечмоқда, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш юзасидан фаол чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бунда, албатта, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида ишлаб чиқилаётган ҳамда қабул қилинаётган қонунлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, Концепция мамлакатимиз тараққиётининг яқин ва узоқ истиқболи учун дастуриламал ҳужжатдир.

Яқинда янги таҳрирда тасдиқланган Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низом судьялик лавозимига номзодларни танлаш, тайёрлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари тизимини янада мукаммаллаштиришда айни муддаодир. Аниқ айтадиган бўлсак, низом истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, судларнинг холислиги ва мустақиллигини таъминлаш, уларни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилувчи мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларнинг мантиқий давоми бўлди.

Шу ўринда ўтган йиллар давомида тизимда олиб борилган ислоҳотлар самарасини яна бир бор ёдга олиш ўринлидир. Мамлакатимизда 2008 йилдан бошлаб ўлим жазоси бекор қилинди. Жиноий жазолар либераллаштирилиши натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Шуларга мос равишда судларнинг иқтисодий жиноятлар учун озодликдан маҳрум этиш ўрнига жарималар тарзидаги жазоларни қўллаш имконияти кенгайтирилди. Ярашув институти амалиётга киритилди. Мазкур институт жорий этилгандан буён ўтган давр ичида 147 минг нафардан ортиқ фуқаро жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Бундан ташқари, судларнинг ваколатлари изчил кенгайтирилиб, одил судловни амалга оширишда уларнинг холислиги ва мустақиллиги кафолатланди. Хусусан, суд тизими ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқарилди. Айни чоғда судгача иш юритиш босқичида тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Амалиётга "Хабеас корпус" институти жорий қилинди, қамоққа олишга санкция бериш, шахсни лавозимидан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштиришдек процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколати судларга берилди.

Президентимизнинг суд тизими ходимларининг ижтимоий ҳимоясини тубдан яхшилашга қаратилган Фармони билан суд ҳокимияти нуфузини мустаҳкамлаш, бугунги кун талабларига жавоб берадиган суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали тизими йўлга қўйилди. Буларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида эса 2014 йил 20 январда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва Солиқ кодекслари, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида", "Судлар тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

"Судлар тўғрисида"ги Қонунга киритилган янгиликларга кўра, эндиликда судья бўлаётган шахс ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва ихтисослиги бўйича, аввалламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлиши талаб этилади. Бундан мақсад ўз-ўзидан тушунарли. Талаб қилинаётган ушбу муддат мобайнида ходим ўз билим ва малакасини ҳар жиҳатдан ошириш, суд-ҳуқуқ тизимидаги давлат сиёсатининг моҳиятини чуқур англаш баробарида, ўзига хос ҳаётий тажрибани қўлга киритади.

Янги талабга кўра, судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасида турган шахслар белгиланган тартибда ўқийди ҳамда стажировка ўтайди. Бу эса ҳар томонлама етук кадрларни, хусусан, муайян иш тажрибасига эга шахсларни жалб қилиш орқали суд ишлари самарадорлигини ошириш, муҳими, инсон ҳаёти ва тақдири биқиқ жиҳатдан судьяларнинг профессионал маҳорати билан бевосита боғлиқ. Шу мақсадда, яъни соҳани малакали, етук кадрлар билан таъминлашда судьялик лавозимига кадрларни танлаш ва тавсия этиш бўйича замонавий демократик тамойилларга асосланган тизим яратилди. Янги таҳрирдаги низом бу борадаги ишларни яна бир поғона кўтаришга хизмат қилади, албатта.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси талабидан келиб чиқиб, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этишга қаратилган чора-тадбирлар ва бунинг самараси ҳам ҳеч кимни беэътибор қолдирмайди. Таъбир жоиз бўлса, кейинги тўрт йилда республикамиз суд тизимида замонавий талаблар бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилиб, соҳада ўзига хос янги босқич бошланди. Жумладан, жиноят ишини юритишда суд назоратини мустаҳкамлаш, ҳимоя ва айблов тортишувини таъминлаш тизими ва механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида "Хабеас корпус" институтини қўллаш амалиёти кенгайтирилди. Шахсни лавозимидан четлаштириш ва тиббиёт муассасасига жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколати судларга берилди.

Президентимизнинг суд тизими ходимларининг ижтимоий ҳимоясини тубдан яхшилашга қаратилган Фармони билан суд ҳокимияти нуфузини мустаҳкамлаш, бугунги кун талабларига жавоб берадиган суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали тизими йўлга қўйилди. Буларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида эса 2014 йил 20 январда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва Солиқ кодекслари, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида", "Судлар тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди.

"Судлар тўғрисида"ги Қонунга киритилган янгиликларга кўра, эндиликда судья бўлаётган шахс ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга ва ихтисослиги бўйича, аввалламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлиши талаб этилади. Бундан мақсад ўз-ўзидан тушунарли. Талаб қилинаётган ушбу муддат мобайнида ходим ўз билим ва малакасини ҳар жиҳатдан ошириш, суд-ҳуқуқ тизимидаги давлат сиёсатининг моҳиятини чуқур англаш баробарида, ўзига хос ҳаётий тажрибани қўлга киритади.

Янги талабга кўра, судьялик лавозимига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасида турган шахслар белгиланган тартибда ўқийди ҳамда стажировка ўтайди. Бу эса ҳар томонлама етук кадрларни, хусусан, муайян иш тажрибасига эга шахсларни жалб қилиш орқали суд ишлари самарадорлигини ошириш, муҳими, инсон ҳаёти ва тақдири билан боғлиқ масалаларни адолатли ҳал этишга замин ҳозирлайди.

Мазкур Қонунда судьяларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш билан боғлиқ масалаларга ҳам ойдинлик киритилган. Хусусан, судьялик лавозимига сайланганлиги ёки тайинланганлиги туфайли ишдан озод қилинган шахсларга уларнинг ваколатлари тугаганидан кейин аввал эгаллаб турган иши, бундай иш мавжуд бўлмаганда эса, аввалгисига тенг бошқа иш берилади. Судьяларнинг ваколат муддати тугагандан сўнг уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи янги ваколат муддатига қайта сайлаш ёки қайта тайинлаш учун ҳужжатлари кўриб чиқиладиган даврда ёхуд янги иш жойига жойлаштиришгунга қадар, кўпи билан уч ойгача сақлаб қолинади.

Бундай ўзгаришлар суд ҳокимиятининг жамиятдаги обрўсини янада кўтариш, судьялар учун моддий-маиший шароитларни сезиларли даражада яхшилаш, пировардида одил судловни тўла амалга ошириш, фуқароларнинг конституциявий асосда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгроқ таъминлаш имконини беради.

Хўш, бундай кенг кўламли янгиланишлар қандай самара бераяпти? Ушбу саволга мана бу маълумотлар мисолида ҳам жавоб олиш мумкин. Ўтган йилда фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 173 мингдан ортиқ иш кўриб чиқилди. Судлар томонидан кўрилган жиноят ишлари сони эса 2012 йилга нисбатан 1,5 фоиз камайди. Айрим жиноят турлари, хусусан, ўғирлик, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, қасддан баданга шикаст етказиш, талончилик жиноятлари учун судланганлик кўрсаткичлари сезиларли даражада камайди. Ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида эса 12 минг нафардан ортиқ, мазкур институт амалиётга жорий қилинганидан буён эса 150 мингдан зиёд шахс жиноий жавобгарликдан озод этилгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Президентимизнинг 2013 йил 4 октябрдаги "Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан ҳам жойларда салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, қўшимча равишда фуқаролик ишлари бўйича 12 та туманлараро (туман) суди тузилиб, судларнинг янгиланган тузилмаси (юрисдикция ҳудуди) тасдиқланди. 2014 йил давомида фуқаролик ишлари бўйича Фориш, Бойсун, Нуробод, Амударё, Учқудуқ туманлари судлари, Пайариқ, Касби, Қуйи Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Пешку, Яккабоғ, Ғаллаорол туманлараро судлари фаолиятини босқичма-босқич йўлга қўйиш режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи чорагида Фориш, Пайариқ, Касби, Қуйи Чирчиқ туманлараро судлари иш бошлади. Бу амалда аҳоли учун қулайлик яратди.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди тузилмасида Судлар ташкилий фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси тузилганини ҳам айтиш зарур. Бу тузилма судьялар мустақиллиги ҳамда уларнинг фақат қонунга бўйсуниши тамойилига қатъий риоя этган ҳолда, судларнинг ижро интизоми билан боғлиқ ишларини назорат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2008 йилда Олий суд ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилиши суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг узвий давоми бўлди. Марказда қонунчилик базасини таҳлил қилиш ҳамда умумлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш бораси-да ҳуқуқни қўллаш, суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ўтган даврда бу ерда соҳага оид ислоҳотлар, қабул қилинган барча қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, суд қонунчилигини либераллаштириш ҳамда демократлаштиришга оид маълумотлар базаси шакллантирилди.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти тўғри ва бир хилда қўлланилишини ўрганиш мақсадида эса судлар фаолиятини бевосита ўрганиш орқали мониторинг ишлари йўлга қўйилган. Муҳими, бу таҳлиллар қонунчилик базаси, статистик маълумот, суд амалиётини ўрганиш орқали умумлаштириш, аксарият ҳолларда судья ва суд ходимлари ўртасида ижтимоий сўров олиб бориш йўли билан ўтказилаётгани, айниқса, фойдали бўлаётир.

Марказ томонидан халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, улар иштирокида суд-ҳуқуқ соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш, экспертларни жалб қилган ҳолда конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари ўтказиш, халқаро-ҳуқуқий тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда хорижий мамлакатлар илғор тажрибасини ўрганиш ишлари олиб борилаяпти.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги янгиликлардан яна бири бу — шубҳасиз, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш билан боғлиқ. Муҳими, бу фуқаролар вақти, маблағи тежалиши, ҳуқуқлари ўз вақтида тикланишига имкон бермоқда. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида "Фуқаролик судловни такомиллаштириш: самарали суд бошқаруви" лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчиллик билан татбиқ қилинмоқда. Ушбу лойиҳа асосида "E-Sud" электрон судлов миллий ахборот тизими ишлаб чиқилди.

Эътиборлиси шуки, мазкур тизим судларда электрон ҳужжат алмашинувини жорий этиш, тарафларга суд хабарнома ва ҳужжатларини АКТ орқали юбориш, суд ҳужжатларини ишлаб чиқилган намуналар асосида тайёрлаш, суд мажлисларининг ягона тақвимини жорий этиш, суд ҳужжатлари сақланадиган ягона маълумотлар базаси ва суд ҳисоботларини тузишни автоматлаштириш каби муҳим вазифаларни бажаради.

Ўтган йилнинг ноябрь ойидан бошлаб "E-Sud" ахборот тизими фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида синовдан ўтказилмоқда. Ҳозирги кунгача тизим орқали тўрт мингдан ортиқ суд буйруғи бериш ҳақидаги ариза тушган бўлиб, улар судья ва суд ходимлари томонидан ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда кўриб чиқилган.

Электрон судлов ахборот тизимининг даъво ва шикоят тартибида иш кўришга мўлжалланган қисмларини эса яқинда синовдан ўтказиш бошланади. Бундан ташқари, 2014 йилнинг охирига қадар тизимнинг апелляция, кассация ва назорат тартибида ишларни қайта кўришга мўлжалланган қисмларини ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Умуман, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар умумий юрисдикция судлари фаолиятини бугунги кун талаби даражасида такомиллаштириш, одил судловни тўла амалга ошириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

(«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 1 май сонидан олинди.)

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Илтимос, ихтиёрий ва мажбурий суғурта тўғрисида маълумот берсангиз.

Ф. КАЛОНОВ,
Қамаши тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 914-моддасида суғурта фуқаро ёки юридик шахс (суғурта қилдирувчи) суғурта ташкилоти (суғурталовчи) билан тузадиган мулкий ёки шахсий суғурта шартномалари асосида амалга оширилиши қайд этилган.

Шахсий суғурта шартномаси оммавий шартнома ҳисобланади.

Қонунда кўрсатилган шахсларга суғурта қилувчилар сифатида бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки мол-мулкини ёхуд ўзининг бошқа шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлигини ўз ҳисобидан ёхуд манфаатдор шахслар ҳисобидан суғурта қилиш (мажбурий суғурта) мажбурияти қонун билан юкланган ҳолларда суғурта ушбу бобнинг қоидаларига мувофиқ шартномалар тузиш йўли билан амалга оширилади.

Мажбурий суғуртада суғурта қилдирувчи суғурталовчи билан суғуртанинг ушбу турини тартибга соладиган қонун ҳужжатларида назарда тутилган шартларда шартнома тузиши шарт.

Қонунда фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта қилиш ҳоллари (давлат мажбурий суғуртаси) назарда тутилиши мумкин.

Саволга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Insonparvarlik tamoyillari

Бағрикенглик ва

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Агар ярашув тўғрисидаги ариза иш биринчи инстанция судида суд муҳокамасидан ўтказилаётганда берилган бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришади. Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда, ярашув институти қўлланиши мумкин. Аризани қабул қилиш пайтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шарт.

Ярашув институтининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у жабрланувчига етказилган зарар миқдоридан келиб чиқиб, айбловни қўллаб-қувватлаш ёки ундан воз кечиш ҳуқуқини беради. Айни пайтда жиноят содир этган шахсни ўйлашга мажбур қилиб, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш, айбига иқрор бўлиш, одил судловнинг жиноятни фош этишига кўмаклашиш, хуллас, у ёки бу шаклда ҳуқуқни муҳофаза қилиш мақсадида фаолият кўрсатишга туртки беради.

Кези келганда яна айтиш жоизки, ярашув институти амалиётга жорий этилгунга қадар жиноят содир этган шахс, гарчи қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жабрланувчига етарлича ёрдам кўрсатган тақдирда ҳам, барибир жиноий жавобгарликка тортиларди. Ярашув институти амалга жорий этилиши билан бундай ҳолатларга бутунлай барҳам берилди. Бугунги кунда судлар томонидан 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институти самарали қўлланилмоқда. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этган ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жабрланувчи билан ярашган ҳамда етказилган зарарни қоплаган шахс жиноий жазодан озод этилмоқда.

Буни қуйидаги мисолларда ҳам яққол кўриш мумкин. Бекободлик У.Мажидов жорий йилнинг 2 февраль куни спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда таниши М.Ҳотамов билан ўзаро жанжаллашиб қолади. Жанжал вақтида у М.Ҳотамовнинг юзига мушт тушириб, жароҳат етказади. Бу ҳам етмагандек, У.Мажидовнинг ўғли А.Мажидов ўткир тиғли жисм билан М.Ҳотамовнинг ўнг оёғига уради. Судга оид тиббий экспертиза хулосасига кўра, жабрланувчи М.Ҳотамов соғлиғининг қисқа вақт бузилишига сабаб бўлган енгил тан жароҳати олган.

Суд мажлисида жабрланувчи М.Ҳотамов ота ва ўғил қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлиб, ўзидан кечирим сўраганини, шунингдек, улар етказилган зарарни тўлиқ қоплашганини таъкидлаб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Суд юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, жабрланувчи ва гумонланувчиларнинг ихтиёрий равишда ярашгани муносабати билан жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш тўғрисида ажрим чиқарди.

Шу ўринда яна бир мисолга мурожаат қилсак, йигирма беш ёшли Д.Отабоев 2013 йил 24 октябрь куни амакиси М.Отабоевга тегишли бўлган "Москвич-412" русумли автомашинани ишончнома билан бошқариб бораётиб, Бекобод шаҳрида амалдаги йўл ҳаракати қоидалари талабини қўпол равишда бузади. Яъни у ҳаракат хавфсизлигига риоя қилмасдан, автомобиль йўлининг қарама-қарши йўналишига чиқиб кетиб, ўз ҳаракат йўналишида келаётган А.Нуралиев бошқарувидаги "Нексия" русумли автомашинанинг олд қисмига бориб урилади.

Qonun ijodkorligi

Қимматли қоғозлар бозори

иқтисодиёт ривожига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ҳолатининг умумий тавсифи ва баҳоси тайёрланди, бу борада амалдаги қонунчилик меъёрлари атрофлича таҳлил қилиб чиқилди.

Бундан ташқари АҚШ, Германия, Япония, Корея сингари давлатларнинг бу борадаги тажрибаси, шунингдек, Қимматли қоғозлар комиссиялари халқаро ташкилоти (IOSCO)нинг тавсия ва тамойиллари ҳам ўрганиб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан кўзланган асосий мақсад — қимматли қоғозлар бозорининг республика молия бозоридаги ва, умуман, иқтисодиётдаги мавқеини янада ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлашдан иборатдир. Ушбу мақсадга эришиш учун қонун лойиҳасида республика фонд бозорининг замонавий ахборот технологияларига ўтишини таъминлаш ва янги молиявий инструментларни жорий этиш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича энг илғор халқаро амалиётни татбиқ этиш назарда тутилган.

Ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси бир қатор асосий тушунчаларни ўзгартириш, қимматли қоғозлар чиқарилуви, уни давлат рўйхатидан ўтказишни тартибга солиш, шунингдек, қимматли қоғозлар билан битимларларни тузиш ва рўйхатга олишни белгилаш, қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширишга доир меъёрлардан ташкил топган. Шунингдек, ахборотларни ошкор қилишни тартибга солиш ва қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг жавобгарлиги юзасидан қонунга алоҳида моддалар киритиш назарда тутилган.

Президентимизнинг 2011 йил 7 январдаги қарори билан тасдиқланган "2011-2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида ислоҳотлар кўламини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини шакллантириш мезонларини ва баҳолаш тизимини белгилаш ва амалга ошириш чора-тадбирлари дастури"нинг 16-бандида белгиланган инвестиция лойиҳаларига капитални жалб қилиш, ишлаб чиқариш қувватини модернизация қилиш, инфраструктуравий лойиҳаларни амалга ошириш заруратидан келиб чиқиб, қонун лойиҳасида қимматли қоғозларнинг янги турини — инфраструктуравий облигацияларни чиқариш кўзда тутилмоқда.



Шу билан бирга, қонун лойиҳасида қимматли қоғозлар чиқаришни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш асосини аниқлаштирувчи қоида ҳам ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари савдо ташкилотчилари савдо майдончаларида қимматли қоғозлар билан битимлар тузиш ва рўйхатга олишнинг электрон усулда амалга оширилишини белгилаш ҳам назарда тутилган.

Айтиш керакки, дунёнинг тараққий этган давлатлари тажрибасидан келиб чиқиб, қимматли қоғозлар бозорида депозитарий ва ҳисоб-китоб — клиринг палатаси алоҳида лицензияланадиган профессионал фаолият турлари сифатида бекор қилинмоқда. Депозитарий функциялари инвестиция воситачисига, ҳисоб-китоб ва клиринг функциялар эса, тегишинча, банк ва қимматли қоғозларнинг савдо ташкилотчиларига ўтказилмоқда. Айни пайтда илғор халқаро амалиётдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкини қимматли қоғозлар бозорида пул маблағлари билан ҳисоб-китоб қилувчи ягона банк сифатида белгилаш кўзда тутилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун лойиҳаси қимматли қоғозлар чиқариш ва уни жойлаштириш шартлари, қимматли қоғозлар билан битимларни тузиш ва рўйхатга олиш талаблари, шунингдек, фонд бозорида профессионал фаолиятни амалга ошириш шартларини соддалаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Унинг қабул қилиниши мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорининг янада ривожланишига замин яратади.

Феруза ОМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Mezon

Оила мустаҳкамлиги

фарзанд камолотида муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ушбу йўналишда маҳаллий давлат ҳомияти органлари, хотин-қизлар қўмиталари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда иш режалари ишлаб чиқилиб, унда белгиланган барча тадбирлар изчил рўёбга чиқарилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 18 февраль куни Тошкент вилояти ҳокимияти, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди ва туманлараро судлари судьялари, вилоят адлия бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамда вилоят Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда "Соғлом бола — соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир" мавзуида семинар ўтказилди.



Шу билан бирга судьялар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишлар юзасидан чиқарилаётган хусусий ажримлар тегишли маҳалла, ташкилотга юборилмоқда. Ўз навбатида, бу хусусий ажримларнинг жойларда атрофлича муҳокама қилинаётгани ўз ижобий самарасини бераётир.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, даъвогар Акмал Зокировнинг жавобгар Нозима Зокировага нисбатан никоҳдан ажратиш ҳақидаги фуқаролик иши бўйича суднинг 2014 йил 6 январдаги ажримига асосан, тарафларга ярашиш учун муддат берилиб, улар истиқомат қилаётган Зангиота тумани Эшонгузар қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини, хотин-қизлар қўмитасига яраштириш чораларини кўриш тўғрисида суднинг хусусий ажрими юборилди. Айтиш керакки, ушбу хусусий ажримнинг атрофлича муҳокама этилиши ўз самарасини берди. Натижада А.Зокиров ва Н.Зокирова ўзаро ярашишди. Шу боис даъвогар судга ўз даъвосидан воз кечиш ҳақида ариза билан мурожаат қилди.

Худди шунга ўхшаш мисолни Янгийўл тумани А.Ортиқов номидаги қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилаётган эр-хотин Мамлакат Нишонова ва Зокир Нишоновлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, даъвогар Мамлакат Нишонова судга никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган. Суд мажлисида тарафлар ва уларнинг отаонаси билан ўтказилган суҳбатдан сўнг эр-хотин ярашиб кетганлиги сабабли, даъвогар ўз даъвосидан воз кечди.

Агар фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро суди томонидан ўтган 2013 йилнинг январ-февраль ойлари давомида 9 та иш бўйича эр-хотинларни яраштиришга ва оилаларни сақлаб қолишга эришилган бўлса, бу кўрсатгич жорий йилнинг ушбу даврида 12 тани ташкил этди.

Хулоса қилиб айтганда, тўкис, мустаҳкам оилалар фарзанд камолотида, жамият барқарорлигида муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жамиятда соғлом муҳитни қарор топдириб, ҳар томонлама етук авлод вояга етишига ўз ижобий таъсирини кўрсатаётгани бунинг исботидир.

Наргиза МАҲКАМОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг судьяси

Fuqarolik qonunchiligi

Маънавий зарар

у қандай тартибда ундирилади?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундан ташқари Олий суд Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарорида ҳам судларга маънавий зарарни ундириш билан боғлиқ ишларни кўришга доир раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашда фуқаро ўзига қандай тарзда зарар етказилганини исботловчи ҳужжатларни судга тўлиқ тақдим этиши шарт.

Шунингдек, судда жабрланувчи қандай ҳолатларда ва қандай ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) натижасида маънавий зарар етказилганини, ўз бошидан қандай маънавий ёки жисмоний азобларни ўтказганини исботлаб бериши ҳам талаб қилинади.

Фуқаролик процессуал кодексининг 57-моддасига кўра, исботлаш тарафлар ва учинчи шахслар ҳамда уларнинг қонуний вакилларининг тушунтиришлари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, ёзма ва ашёвий далиллар, экспертнинг хулосаси орқали амалга оширилади.

Мисол учун Д.Валиева судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, йўл-транспорт ҳодисаси туфайли А.Турсунов томонидан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириб беришни сўраган. Иш ҳужжатларидан аниқланишича, А.Турсунов ўзига тегишли "Нексия" русумли автомашинани бошқариб бораётиб, амалдаги Йўл-ҳаракати қоидалари талабига риоя этмай пиёда Д. Валиевани уриб юборган. Натижада жабрланувчига ўртача оғирликдаги тан жароҳати етади ва у шифохонага ётқизилади. Қоидабузар ҳайдовчи жабрланувчига ёрдам кўрсатиш ўрнига ҳодиса жойидан яширинган ва унинг аҳволидан мутлақо хабар олмаган. Суд ишни атрофлича кўриб чиқиб, жавобгардан даъвогарнинг фойдасига етказилган моддий зарар учун 1миллион 400 минг сўм, маънавий зарар учун эса, 250 минг сўм ундириш лозим, деган тўхтамга келди. Бунда даъвогар томонидан шифохона ва дори-дармон учун сарфланган маблағлар шифокор рецептлари ва тўлов чипталари орқали тўлиқ исботини топди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги талабларга даъво муддати жорий этилмайди. Олий суд Пленумининг юқорида тилга олинган қарори 15-бандида белгиланганидек, маънавий зарарни қоплаш номоддий бойликларни ва номулкий ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг бирдан-бир манбаи ҳисобланади. Шунга кўра, Фуқаролик кодексига мувофиқ, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги талабларга даъво муддати жорий қилинмайди.

Фуқаролик кодексининг маънавий зарар муносабатларини тартибга солишга қаратилган меъёрларига асосан, фуқаро ўзига маънавий зарар етказилган деган фикрда бўлса, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ёхуд тутилмаганидан қатъи назар, уни қоплашни суд орқали талаб қилиш ҳуқуқига эга.



Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, етказилган маънавий зарарни суд тартибида ундирилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини амалда самарали ҳимоя қилиш ва инсонпарварлик тамойилига тўлиқ риоя этиш имконини бермоқда.

Дилбар МАВЛОНОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судининг раиси

инсонпарварликнинг юксак намунаси

Бу тўқнашув оқибатида "Нексия" русумли автомашинасида бўлган А.Боймуродов ва "Москвич-412" автомашинасидаги Б.Файзиев тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилади. Судга оид тиббий экспертиза хулосасига кўра, А.Боймуродовга нисбатан ҳаёт учун хавфли бўлган тан жароҳати етказилган, Б.Файзиев эса, соғлиғининг қисқа муддатга бузилишига сабаб бўлган енгил тан жароҳати олган. Суд жиноят ишида тўпланган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, ҳуқуқий баҳо берди. Айтиш керакки, Д. Отабоев содир этган қилмиши оқибатини тушуниб етиб, жабрланувчилардан кечирим сўради, етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплади. Суд буларни инобатга олиб, томонларнинг яраш-гани муносабати билан жиноят ишини ҳаракатдан тугатди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Яраш-ганлиги муносабати билан ишни тугатишнинг афзаллиги шундаки, биринчидан, жабрланувчига етказилган зарар тез ва тўлиқ қопланиши таъминланади. Иккинчидан, жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилгани учун судланмаган ҳисобланади. Учинчидан, айбдорни кечириш орқали улар жазоланмасдан тарбияланади. Қолаверса, айбига иқрор бўлишни рағбатлантираётган бу самарали ҳуқуқий институт ортиқча суд-тергов ҳаракатларини талаб этмайди.

Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ярашув жамиятда судланганлик ҳолатини камайтирибгина қолмай, унинг узоқ давом этадиган, ҳатто авлодлар келажагига ҳам таъсир ўтказадиган оқибатларини ҳам бартараф қилиш имконини берди.

Маълумотларга қараганда, судлар томонидан жиноят содир этган шахсларга нисбатан ярашув институтининг татбиқ этилиши йилдан-йилга кўпайиб бораётганлиги ҳам бу фикрни исботлайди. Масалан, ярашув институтининг самарали қўлланилиши натижасида биргина ўтган 2013 йилнинг ўзида мамлакатимизда 12 минг нафардан ортиқ шахс ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилган. Мазкур институт амалиётга жорий қилинганидан буён эса, юртимизда 150 мингдан зиёд шахс жиноий жавобгарликдан озод этилди.

Бу ҳолатни биргина Тошкент вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, ўтган 2013 йил мобайнида жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти, туман ва шаҳар судлари томонидан 1521 нафар шахсга нисбатан 1420 та жиноят иши ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилган. 2014 йилнинг биринчи чорагида эса, 293 нафар шахсга нисбатан 275 та жиноят иши ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилган. Агар судланганларнинг оила аъзолари, яқинлари ҳам ушбу ҳуқуқий ечимдан манфаатдор эканлигини инобатга оладиган бўлсак, яна қанчалар инсонлар ушбу инсонпарварликдан баҳра олганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу жиноят содир этган шунча шахснинг ўз оиласи ва фарзандлари ёнига қайтганлигидан, оиласи даврасида меҳнат қилиб юрганлигидан далолат беради.

Мухтасар қилиб айтганда, судлар томонидан ҳозирда ярашув институтининг самарали қўлланилаётгани мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари устувор қадрият сифатида эъзозланаётганлигининг яққол ифодасидир.

Азамат ШОМУРОДОВ,
жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг судьяси
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"Куч — адолатда" мухбири

Mulohaza

Қоидага амал қилиш

ҳам йўловчи, ҳам ҳайдовчи манфаатига хизмат қилади

Маълумки, бугунги ҳаётимизни оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қиладиган техника воситаларисиз тасаввур этиш машкул. Албатта, техника воситалари — автомашиналардан фойдаланганда амалдаги тартиб-қоидаларга қатъий риоя этиш ҳаётимиз хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Айтиш керакки, мамлакатимизда йўловчилар ва ҳайдовчилар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 2006 йил 9 мартда Президентимизнинг "Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган автомобил транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини тартибга солиш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда транспорт хизмати сифатини янада оширишда муҳим омил бўлди.

(Давоми тўртинчи бетда)

ФАВВОРАЛАР – ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК ВА ГЎЗАЛЛИК РАМЗИ

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)



Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида фаввора барпо этишнинг кўп асрлик анъаналари мазмунан янада бойитилди. Замонавий илм-фан тараққиёти туфайли анъанавий фавворалар ўрнини ранг-баранг чироқлар билан жиҳозланган ва мусиқали фавворалар эгаллади. Бундай фаввораларда сув шунчаки босим билан отилмайди, балки дастур ёрдамида сув оқими, чироқлар ва мусиқа уйғунлашиб, фусункор манзара ҳосил қилади. Чироқлар фаввораларнинг гўзаллигини намоён этади, ғаройиб тарзда уларни ўзгартиради ва кечки пайт янада ажойиб кўриниш олади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган "Фавворалар сайли" ёшлар оммавий-маданий тадбирлари иштирокчилари кундалик ҳаётимизга янгича назар ташлаш имкониятига эга бўлиб, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятига яна бир бор тан беради.

Тиббиёт мутахассисларининг фикрича, фавворалар олдида байрам сайлларининг ўтказилиши соғлиқ учун ҳам фойдали экан. Мусаффо сув кишига ҳузур-ҳаловат бағишлаб, кайфиятини кўтаради, толиқишни олади. Фаввора суви жилосини кузатадиган инсонларда қон айланиши ва мия фаолияти яхшиланади, асаб тизими тинчланади.

Сайр қилиб юрганлар орасида ёш спортчиларни ҳам учратиш мумкин. Юнусобод туманидаги 19-ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби услубчиси Нуриддин Маҳмудовнинг изоҳ беришича, тоза ҳавода сайр қилиш спортчининг жисмоний ва руҳий тайёргарлигига ғоят ижобий таъсир кўрсатади. Бу асосан жиддий мусобақалар олдидан ўтказиладиган кучайтирилган машғулотлардан кейин қувватни тез тиклашга ёрдам беради.

Бундай тантанали тадбирлар пойтахтимиздаги барча йирик фавворалар ёнида ташкил этилди. Уларнинг 14 тасида ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, рассомлар, рақс ва театр гуруҳлари иштирокида оммавий маънавий-маданий тадбирлар бўлиб ўтди. Ташкилотчилар тадбир ўтказиладиган жойларнинг тирихий-маданий хусусиятларини инобатга олгани туфайли барча томошалар ўзига хослиги ва бетакрорлиги билан ажралиб турди.

Жумладан, пойтахтимизнинг Хадра майдонидаги 12 метр баландликкача кўтариладиган, ранг-баранг чироқлар ёғдусида жилоланадиган фаввора олдида ўтказилган тадбирда миллий-маданий анъана ва қадриятларимизга урғу берилди. Бетакрор карнай-сурнай садолари остида миллий мусиқаларимиз янграб турди, дорбозлар ўз маҳоратини намойиш этди, қулай сўриларда оқсоқоллар қизғин суҳбатлашди.

— Ёшлигимда Хадра майдони қай аҳволда бўлганини яхши эслайман, — дейди пойтахтимизнинг Олмазор туманида истиқомат қиладиган Шарофат ая Тошхўжаева. — Ҳамма ёғи бетон билан қопланган бу майдонда кичкина фаввора бўларди. Унда-бунда жойлашган ўриндиқларда қуёш нуридан қочиб бўлмас эди. Бугун эса маданий ҳордиқ чиқариш учун барча шароитлар яратилган, атроф ямяшил дарахтзор. Невараларим билан бу ерга тез-тез келиб турамиз. Болалар аттракционларда ўйнайди, биз, кексалар эса замонавий Тошкентнинг гўзаллигидан завқланиб, тобора кўркамлашиб бораётган шаҳримиз қиёфасидан хурсанд бўламиз. Бундай шароитлар учун Юртбошимиздан миннатдормиз

"International Tashkent" меҳмонхонаси ёнидаги фаввора олдида турфа мусиқалар янграб, санъаткорларнинг чиқишлари намойиш этилди. "Болажон" маданият ва истироҳат боғи ҳудудида жажжи болакайлар ва уларнинг ота-оналари учун зарур барча шароитлар яратилди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театри биноси рўпарасидаги мусиқали фаввора суви замонавий опера ва мумтоз мусиқа садолари остида бамисоли камалакдек жилоланади.

— Биз бу сайлни интиқлик билан кутдик, — дейди Зафар ва Вилоят Мамажоновлар. — Кечки сайр ва фавворалар олдида ҳордиқ чиқариш ёш оиламизнинг яхши анъанасига айланган. Бугунги кунда пойтахтмизнинг барча туманларида болалар учун ўйин майдончалари мавжуд, музқаймоқ, салқин ичимликлар, турли ўйинчоқлар сотиладиган дўкончалар, яшил ҳудудлар ташкил этилган. Фарзандларимизнинг хурсандчилигидан бизнинг ҳам кўнглимиз яйрайди. Мустақиллик майдони, Симпозиумлар саройи олдида бўлиб ўтган сайлларда қатнашдик. Энди "Lokomotiv" маданият ва истироҳат боғига бормоқчимиз.

Халқимиз азалдан байрамларни, хурсандчиликни хуш кўради ва қадрлайди. Байрамларимиз меҳмонлар, миллий мусиқа садолари, куй-қўшиқлар, рақслар билан хушчақчақ ва жўшқин руҳда ўтади. "Фавворалар сайли" ҳам бундан истисно бўлмади.

Ушбу сайлни чинакам халқ байрами дейиш мумкин. Сайл иштирокчилари орасида хорижлик меҳмонлар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

— Ўзбекистонда тўртинчи бор бўлишим, аммо ҳар сафар келганимда кўплаб янги бинолар, боғлар ва фавворалар барпо этилганига гувоҳ бўлмоқдаман, — дейди Жанубий кореялик меҳмон Чо Чанкл Йо. — Бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил бунёдкорлик ишларидан далолат беради. Тошкентнинг кенг ва равон кўчалари, шарқона гўзаллик уйғунлашган бинолари менда ажойиб таассуротлар қолдирмоқда. Бу ерда кечки шаҳар бўйлаб сайр қилишни, фавворалар салқин шабадасидан роҳатланишни яхши кўраман. Бу галги ташрифим шундай ажойиб байрамга тўғри келганидан жуда хурсандман.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган "Фавворалар сайли" ёшлар оммавий-маданий тадбирлари том маънода ёшлик, баҳор, шоду хуррамлик ва эзгу ниятлар байрамига айланди. Она шаҳримизнинг турфа рангларда товланаётган фавворалари мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, барқарорлик ва фаровонлик ҳукм сураётганидан далолатдир. Зеро, фақат шундай шароитдагина тараққиёт бўлади, бунёдкорлик ишлари амалга оширилади.

Сардор ТОЖИЕВ,
Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбирлари

Mulohaza

Қоидага амал қилиш

ҳам йўловчи, ҳам ҳайдовчи манфаатига хизмат қилади

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Мазкур қарор билан юртимизда автомобил транспортида йўловчиларни шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро, халқаро йўналишларда тижорат асосида ташиш фаолияти фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва ушбу қарорга илова қилинган "Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги Низом бу борада муҳим ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат вазифасини ўтамоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, йўналишсиз таксилар ҳайдовчиларига қўйилган талабларнинг бажарилишидан кўзда тутилган асосий масад — фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва хавфсизлигини таъминлаш билан бирга юртимизда транспорт хизматлари сифатини янада оширишдан иборатдир. Чунки ҳайдовчилик гувоҳномасида "В" рухсат белгиси бўлган, йигирма бир ёшга тўлган, тиббий кўрикдан ўтган ҳамда камида уч йиллик ҳайдовчилик стажига эга бўлган шахслар йўналишсиз таксиларни бошқариш ҳуқуқига эга. Йўналишсиз таксиларнинг ҳайдовчилари тегишли лицензия карточкасига ҳамда йўлга чиқишдан олдин автотранспорт воситасининг белгиланган тартибда техник кўрикдан ва ҳайдовчиларнинг тиббий кўрикдан ўтказилганлиги тўғрисида белгилар қўйилган йўл варақасига эга бўлиши керак.

Албатта, ушбу тартиб-қоидаларнинг амалга жорий этилиши йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Шу билан бирга ҳаётда ушбу тартиб-қоидаларга риоя этмайдиган, яъни ноқонуний тарзда такси хизмати кўрсатадиган кимсалар ҳам учраб туради.

Хўш, йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ талабларга риоя қилмаслик, аниқроғи, қонунга зид фаолият кўрсатиш қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради? Фикримизни қуйидаги мисоллар асосида давом эттирамиз.

Шу йил 18 январь куни Жиззах туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган тадбир жараёнида Учтепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида Баҳром Тоиров "Нексия" русумли автомашинасида қонун талабига зид равишда лицензия олмай ҳеч бир ҳужжатсиз аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатаётгани аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан солиқ инспекцияси ходимлари томонидан холислар иштирокида тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Айтиш керакки, Б.Тоиров ўзининг ғайриқонуний қилмиши билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-3-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган. Судда ҳуқуқбузар ўзининг ҳуқуқбузарлик ҳаракатига тўлиқ иқрорлигини ва хатосидан пушаймонлигини билдирди.

Суд ҳуқуқбузарнинг оилавий шароитини, моддий имкониятини ҳамда унинг шахсини инобатга олди. Яъни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 33-моддасини қўллаб, энг кам жазодан ҳам енгилроқ жарима жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблади. Б.Тоиров Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176-3-моддаси билан ҳуқуқбузар деб топилди ва унга нисбатан энг кам иш ҳақининг саккиз баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Бундан ташқари З.Муҳаммадиев ҳам айни шундай ҳуқуқбузарлик ҳаракатини содир этган. Аниқроқ айтганда, у "Нексия" русумли автомашинасида "Пахтакор-Арнасой" йўналиши бўйлаб йўловчи ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиб келган. Пахтакор туман давлат солиқ инспекцияси ва ИИБ ЙХХБ ходимлари унинг ғайриқонуний ҳаракатини назорат текшириши чоғида аниқлаб, баённома тузишди.

Ҳуқуқбузар З.Муҳаммадиевнинг амалдаги автомобил транспортида йўловчилар ташиш тартиб-қоидаларига риоя қилмаслиги, аввало, унинг ўзига қимматга тушди. Ҳуқуқбузар суднинг маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг етти баравари миқдорида жарима тўлади.

Хулоса қилиб айтганда, таксилар фаолиятини тартибга солишга оид тартиб-қоидалар ҳам ҳайдовчи, ҳам йўловчи манфаатларига дахлдор. Буларга амал қилиш кўнгил хотиржамлигига, хавфсизлик таъминланишига ва ишончли хизмат кўрсатилишига замин яратади.

Абдулла АҲМЕДОВ,
жиноят ишлари бўйича Пахтакор тумани судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

G'aroyib olam

Кундалик турмушимизда мунтазам ишлатиладиган, ҳар биримиз рўзғорда тез-тез фойдаланадиган буюмларнинг яратилиш тарихи ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Айтмоқчимизки, ҳаётимизга муқим ўрин бу буюмларнинг ихтиро этилиши ҳам қизиқ.

Биз билган ва билмаган дунё

Масалан,бугун дўкон расталарини тўлдириб турган турли-туман пакетли чойлар 1908 йилда ихтиро қилинган. Ўшанда Америкадаги чой сотувчи компаниялардан бири биринчи марта ўз харидорларига чойни кичик пакетчаларга жойлаштирган ҳолда жўнатади. Ажабланарлиси, чойхўрлар ҳам пакетларни очиб ўтирмасдан шу ҳолатда дамлаб ичишни одат қилишади.

Кўп ўтмай бу янгиликдан хабар топган Германиянинг "Teekanne" компанияси ҳам аскарлар учун тайёрланган чойни пахтадан тўқилган матоҳ-пакетчаларга қадоқлаб юбориш тартибини жорий қилади. Бу хилдаги чой аскарларга маъқул тушади ва бу маҳсулот тез орада ҳарбийларнинг кундалик тановул рўйхатидан жой олади.

Маълумки, XIX аср охири — XX аср бошларида эркаклар соатлари, одатда, занжирга боғланган ҳолда чўнтакда олиб юрилган. Албатта, фан ва техниканинг ривожланиши билан бирга одамларнинг аниқ вақтини билишга бўлган эҳтиёжлари ҳам тобора ортиб борган ва натижада соат ишлаб чиқарувчи корхона эгалари эркаклар учун мўлжалланган қўл соатларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга тўғри келган. Бундай соатлар қўлни банд қилмаслиги, аммо иш пайтида вақтни билиш учун чўнтак ковлаб, ортиқча саъй-ҳаракат талаб қилмаслиги мижозларга қулайлик сифатида баҳоланди ва бу тез орада ўзини оқлади.

Одамлар озиқ-овқат маҳсулотларини азал-азалдан салқин жойларда сақлаб келишган. Шу боис қандай бўлмасин совитгич яратиш кўпчиликни қизиқтирган ва айнан шунинг учун бўлса керак, уч нафар олим, яъни англиялик Жон Лесли, франциялик Франсуа Карре ва германиялик Фердинанд Виндхаузенлар деярли бир вақтнинг ўзида, бир-биридан бехабар ҳолда, совитгичлар ихтиро қилишган.

1887 йилда Парижда бўлиб ўтган саноат кўргазмасида илк бор совутгич намойиш этилган. Бу совитгичлар ўта оддий, бироқ катта ва тежамсиз эди. Бундан ташқари уларда озиқ-овқатлар 2-3 кунгина сақланарди, холос. Аммо шунга қарамай, бу янгилик ўша вақтда катта шовшувга сабаб бўлган.

Ҳар биримиз дўкон ёки бозордан у-бул харид қилсак, уларни саранжом кўтариб юришда полиэтилен халтаси жуда асқотади. Биз деярли ҳар куни ишлатадиган ушбу халтани швециялик У.Гамильтон ихтиро қилган. Маълумотларга кўра, айни пайтда дунё миқёсида йилига 5 миллиарддан ортиқ полиэтилен халтаси ишлаб чиқарилмоқда ва бу рақам йил сайин ортиб бормоқда.

XIX аср бошларида телефон мулоқотлари фақатгина сим орқали амалга оширилган бўлиб, симсиз алоқанинг пайдо бўлишига эса, ўша пайтда энди-энди ривожланиб келаётган авиация соҳаси туртки берган. Чунончи, дастлаб бир-бири билан имо-ишоралар билан мулоқот қилган учувчилар 1916 йилдаги муҳим ихтиролар туфайли радио орқали алоқа қилиш имконига эга бўлган. Ўша йили учувчиларнинг бош кийимига илк бор микрофон ва қулоқчинлар ўрнатилган ва улар ердаги вакил билан бемалол гаплаша олган.

Маълумки, тиббиётда Д витамини етишмаслиги оқибатида юзага келувчи рахит касаллиги ўтган асрда Германияда маълум бўлган. Ўша вақтда Берлин шаҳридаги болаларнинг ярмидан кўпи номаълум касаллик туфайли шифохонага ётқизилади. Шифокорлар бу дарднинг келиб чиқишига аҳолининг қашшоқлиги сабаб, деган хулосага келишган эди. Чунки бу касалликка чалинганлар бошқа беморлардан фарқ қилиб, уларнинг танаси оқариб кетиши, суяк юмшаши ва деформацияси Кёрт Хулдчинский исмли маҳаллий шифокорнинг эътиборини тортади ва у тажриба ўтказишга қарор қилади. У дастлаб ўзининг тўрт нафар беморини (уларнинг энг кичиги эндигина уч ёшга тўлганди) ультрабинафша нур таратувчи самиоб-кварц лампа тагида маълум вақт давомида ётқизиб қўяди. Вақт ўтиши билан муолажа ижобий натижа бериб, болаларнинг суяклари бақувватлашиб, яна асл ҳолига қайта бошлайди.

Шундан сўнг К.Хулдчинский ўз изланишларининг натижаларини маҳаллий журналлардан бирида эълон қилади ва унинг услуби Германиядаги барча касалхоналарда кенг қўлланила бошланган. Орадан кўп ўтмай олимлар суякларнинг соғлом бўлиши учун, аввало, Д витамини ҳамда кальций моддасининг ниҳоятда зарурлигини ва бу модданинг уйғунлашуви ультрабинафша нурлари таъсирида, айниқса, жадал кечишини аниқлашга муваффақ бўлишди.

Интернет материаллари асосида Шаҳло Худойберганова тайёрлади.

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Шоюнус ГАЗИЕВ, Қўчқор ТОҒАЕВ, Русланбек ДАВЛЕТОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Икром МУСЛИМОВ, Ғайрат ҲИДОЯТОВ, Арислон УСМАНОВ, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-525. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 7310.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 22[30] Топширилди: 23[00]